Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 141 (5732).
21 ИЮНЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ҳ. Асад Москвага келди

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад 19 июнда амалий визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

М. С. Горбачев Ҳ. Асад билан суҳбатлашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 19 июнь куни Кремлда Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад билан суҳбатлашди.

Ўзаро ишонч ва ошкоралик вазиятида ўтган суҳбатда Совет Иттифоқи билан Сурияни қизиқтирувчи бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Яқин Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди.

(ТАСС).

СОВЕТ—СУРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

19 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикаси Президенти Ҳафиз Асад ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда: Совет томонидан— КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри СССР Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов;

Сурия томонидан — САР вице-президенти А. Ҳаддам, АСУП бош секретарининг ўринбосари С. Қаддаҳ, САР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, мудофаа министри М. Тлас, САР Министрлар Кенгаши Раисининг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари С. Ёсин, ташқи ишлар министри Ф. Шараа иштирок этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар чоғида иккала томон СССР билан САР ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам асосида муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилди. Ҳ. Асад Сурияннинг миллий экономикасини ривожлантиришда Совет Иттифоқининг кенг кўламдаги ёрдамига ва унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда кўмаклашаётганлигига юксак баҳо берди. Совет — Сурия дўстона алоқаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш иштиёқи тасдиқланди. Ҳ. Асад Совет—Сурия ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш барча араб халқларининг, умуман арабларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушажагига ишонч комил эканлигини таъкидлади.

Яқин Шарқдаги аҳволга, Совет— Сурия муносабатларига ва халқаро вазиятга доир масалалар юзасидан муфассал фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачев билан Ҳ. Асад Яқин Шарқ районида ғоят хатарли вазият юзага келиб қолаётганлигидан чуқур ташвиш билдирдилар. АҚШнинг бевосита мадади билан давом эттирилаётган Исроилнинг агрессив ҳаракатлари бунга сабаб бўлмоқда. АҚШ ўтказаётган йўл ўзининг ҳарбий-сиёсий ҳукмини арабларга тиқиштиришга, уларни агрессор билан империализм учун нафли, аммо араблар учун хатарли ва таҳқирли бўлган сепарат битимлар тузишга жалб этишга, тараққийпарвар араб режимларига зарба уришга, Яқин Шарқ можаросини ҳар жиҳатдан адолатли ва мустаҳкам бартараф этишга эришишга тўсқинлик қилишга қаратилганлиги ҳақида фикр юритилди.

Ҳ. Асад Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш юзасидан Совет Иттифоқи таклифларини Сурия қўллаб-қувватлаётганлигини таъкидлади. Ҳар иккала томон Яқин Шарқ можаросини мустаҳкам ва одилона бартараф этишга эришишнинг амалий йўли сифатида халқаро конференция чақирилиши манфаатини кўзлаб, Совет Иттифоқи ва Суриянинг, бошқа араб мамлакатларининг мувофиқлаштирилган куч-ғайратини активлаштириш керак, деган фикрни билдирди.

Фаластин Қаршилик ҳаракатидаги ишларнинг аҳволига тааллуқли масалалар юзасидан фикрлашиб олиш чоғида Совет томони Фаластин Озодлик Ташкилоти бирлигини сақлаб қолиш, фаластинликлар ўртасидаги ихтилофларни империализмга қарши принципиал негизда тезроқ бартараф этиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Ливандаги вазиятни муҳокама қилиш чоғида шу нарса қайд этиб ўтилдики, Ливан территориясининг талайгина қисмидан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлганлиги Ливан халқи, унинг миллий ватанпарварлик кучлари, Сурия ва уларнинг дўстлари олиб борган кураш натижасидир. Томонлар Ливаннинг жанубида Исроилнинг ҳар қандай формада ҳозир бўлиб туришига йўл қўйиб бўлмаслигини уқтирдилар. Ливаннинг ички проблемаларини тинч йўл билангина, Ливандаги барча ватанпарвар кучларнинг манфаатларини тегишлича ҳисобга олинган ҳамда унинг суверенитети ва территориал бутунлиги сақлаб қолинган ҳолда фақат ливанликларнинг миллий тотувлиги асосида ҳал этиш мумкин.

Арабларнинг қаътий манфаатлари тақозо этаётганидек, араблар дунёсидаги барча антиимпериалистик ва миллий ватанпарварлик кучларини жипслаштириш уларнинг ўз миллий ҳуқуқлари ва мустақиллиги учун, империализм ҳамда сионизмнинг тажовузларига қарши кураши муваффақият қозонишининг ғоят муҳим шартларидан бири эканлигига қатъий ишонч билдирилди.

Музокаралар вақтида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, АҚШ ва НАТОнинг ҳарбий стратегик мувозанатни бузишга, СССРдан ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлардан ҳарбий устунликка эришишга, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган йўли натижасида халқаро вазият кескинлашиб кетди.

М. С. Горбачев қуролланиш пойгасини, айниқса, ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш, космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик, умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш борасида Совет Иттифоқи сарфлаётган куч-ғайратлар тўғрисида Ҳ. Асадга сўзлаб берди. Сурия Президенти СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини, унинг амалий ташаббусларини Сурия қўллаб-қувватлаётганлигини тасдиқлади ҳамда араб халқларининг Исроил агрессиясига ва империалистларнинг аралашувига қарши, ўзларининг ҳаққоний ҳуқуқлари учун курашида Совет Иттифоқи уларга доимо ёрдам бериб келаётганлиги учун миннатдорчилик изҳор этди.

СССР ва Сурия раҳбарлари иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ишонч муносабатларини мустаҳкамлаш, Яқин Шарқда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ишида олий даражадаги шахсий мулоқотларнинг муҳимлигига яқдиллик билан баҳо бердилар.

* * *

Музокараларнинг қатнашчилари учун Кремлда зиёфат берилди. Зиёфат чоғида М. С. Горбачев билан Ҳ. Асад дўстона нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

БУГУН партия XXVII съездига бағишланган социалистик мусобақанинг тўртинчи ўн кунлиги бошланди. Мазкур стахановча вахта «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида ўтяпти.

Партия ва мамлакатимиз ҳаётидаги шонли воқеа шарафига меҳнат беллашувини авж олдириш ташаббуси билан чиққан республика ва шаҳар ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини зарбдор меҳнат билан нишонлаш тўғрисидаги даъвати илҳомлантириб юборди. Ҳозир корхонанинг 40 дан зиёд ҳайдовчиси 1985 йилга қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, транспортдан самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан янги марраларни белгилаган, «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остидаги вахтада туриб ишлаяпти.

Республика илғорларининг ташаббусини 2512-автомобиль корхонасида биринчилардан бўлиб ҳайдовчи Маҳамаджон Тўлаганов қўллаб-қувватлади. Коммунистлар анжумани шарафига у оширилган социалистик мажбурият қабул қилди: топшириққа қўшимча камида 3 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш, меҳнат унумдорлигини 28 процентга оширишга аҳд қилди. М. Тўлаганов янги йилнинг дастлабки ўн кунликларини ҳам зарбдор суръат билан нишонлаш ниятида. У январь-февраль ойлари юк ташиш планини 20 февралгача бажариб, бир кун иқтисод қилинган ёнилғи ҳисобига ишлаш, автомашинанинг капитал ремонтсиз 600 минг километр йўл босишига эришиш ниятида.

— 16 йилдан бери ҳайдовчилик қиламан, — ҳикоя қилади **М. Тўлаганов.** — ЗИЛ —130 автомашиналарини бошқаришда бой тажриба тўпланган, ўз маҳоратимни мунтазам ошириб бораман. Меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган барча янгиликларнинг ҳаммасидан фойдаланиш, автомобилларнинг имконий борича кўп ремонтсиз хизмат қилишига эришиш мен учун қонун бўлиб қолган. Бу меҳнат муваффақиятларимизнинг гаровидир: У. Юсупов бошлиқ бригада ҳайдовчилари қаторидаги ўзим хизмат кўрсатаётган ирригация трести объектларига материалларни ўз вақтида етказиб бераяпман.

Шаҳар ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини зарбдор меҳнат билан нишонлаш ҳақидаги даъвати айни муддао бўлди. Мен коммунистлар анжуманини шарафига оширилган мажбурият қабул қилдим. Ўз имкониятларимни чамалар эканман, автомобилдан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш, юк ортиш-тушириш жараёнларида вақтдан унумли фойдаланиш, ҳаракатнинг рационал маршрутларини танлаш, автомобилни ҳамиша техник соз ҳолатда сақлаш масаларига алоҳида эътибор бердим.

Юксиз йўл босиш ҳолларига барҳам бериш автомобиль ишсамарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Илгари темир-бетон буюмлари заводида машинамга турли-туман конструкциялар ортилар, мен бу юкни ирригация трести объектларига элтиб қўйгач, қайтишда бўш қайтар эдим. Ҳозир эса аҳвол ўзгача. Қайтишда мен мақбул маршрутдаги юкни ортиб, эгасига етказиб бераман. Бу машинанинг юксиз қатнаш вақтини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини икки баравар оширишга имконини берди.

Бригада ва автокорхона коллективлари кўп йиллардан бери юк ташиш топшириқларини муваффақиятли адо этиб келяпти. Аммо шу кунлардаги меҳнат кўтаринкилиги айниқса яққол ҳис этилмоқда. Автоколонна транспортчилари ўн биринчи беш йиллик юк ташиш планини 1 октябрга қадар бажаришга аҳд қилишган. Бу топшириққа қўшимча равишда қарийб 420 минг тонна юк ташиш имконини беради. Беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги 20 процентга ошади. Ана шу кўрсаткичларнинг қўлга киритилишида ос бўлсада, менинг ҳам ҳиссам бор.

Кундалик фаолиятимда автомобилдан рационал фойдаланиш билан бир қаторда унинг ремонтсиз хизмат муддатини оширишга ҳам интиламан. «ЗИЛ» маркали машиналарнинг капитал ремонтсиз 400 минг километр йўл босиши учун мусобақада иштирок этяпман. Айтмоқчи, бу маррани мен ҳозир ортда қолдирганман: машина спидометри 600 минг километр рақамига яқинлашиб қолди.

Автомобилнинг хизмат муддатини ана шу рақамга етказиш учун кўп меҳнат сарфлашга тўғри келди. Жумладан, машинани мунтазам профилактик кўрикдан ўтказиб тураман, майда камчиликларни сменалар орасида тузатиб қўяман, сафарда эса ҳамиша машинанинг двигателига ва ҳаракат деталларига кам оғирлик тушишига интиламан. Бу машинанинг узоқ вақт, пухта хизмат қилишига олиб келмоқда.

Муваффақиятни кадрлар ҳал қилади, деб бежиз айтишмаган. Социалистик мусобақада бригадамизнинг барча ҳайдовчилари иштирок этишяпти. Бригадага талабчан, тажрибали ҳайдовчи У. Юсупов бошчилик қилади. У ҳайдовчилар ишини мунтазам назорат қилиб боради, ҳам маслаҳат ва ёрдам беради. Коллективимиз юк ташиш планларини муддатидан илгари бажариш, меҳнат ва транспорт интизомини мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақанинг пешқадамларидан ҳисобланади. У. Юсупов бригадаси юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун бир неча марта автоколоннанинг 28 бригадаси ўртасида совринли ўринларни эгаллаган.

КПСС XXVII съезди яқинлашяпти. Ана шу шонли санага меҳнат совғаларини тайёрлар эканмиз, биз юксак кўрсаткичлар намунали меҳнат, план ва технология интизомининг самараси эканлигини ҳамиша ёдда тутамиз. Халқ хўжалиги юкларини ташиш давлат планларининг, юксак социалистик мажбуриятларининг бажарилиши айнан шу омилларга боғлиқ.

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Ҳар бир ўтган ўн кунлик бизни КПССнинг XXVII съездига тобора яқинлаштирмоқда. Шу боисдан ҳам коммунистлар анжумани шарафига бошланган социалистик мусобақа меҳнат коллективларида кун сайин авж олдириляпти. Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи «КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик!» жанговар шиори остида бошланган ватанпарварлик ташаббусига актив қўшилишган. Ҳар бир тўқувчи ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқда.

Комбинатнинг галтак ипларни фабрикасининг 3-цехида меҳнат қилаётган Н. Тошмуҳамедова ва Ҳ. Мирсолиҳовалар ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишаётир. Ишлаб чиқариш илғорларини ярим йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариб, айни кунларда кунлик смена нормаларини 20—30 процентга ошириб бажаришмоқда. Ўтган учинчи зарбдор ўн кунликни муваффақиятли якунлаган илғор тўқувчилар тўртинчи ҳафтада ҳам фидокорона меҳнат қилишаётир.

СУРАТДА: М. Тошмуҳамедова ва Ҳ. Мирсолиҳова.

В. Скроткин фотоси.

• СЎЗ—ТАШАББУСКОРЛАРГА

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ



ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда энг муҳими, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда доклад қилган ўртоқ М. С. Горбачев, — ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш резервларини қидириб топиш ва уларни ишга солишдир. Биз кам сарф билан юқорироқ марраларни эгаллашимиз керак. Бунда асосий диққат-эътибор корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ресурсларни тежаш, капитал маблағлар самарадорлигини оширишга, бир сўз билан айтганда халқ хўжалиги комплексидаги инвестиция ва структура сиёсатини такомиллаштиришга қаратилиши керак.

Тошкент область партия комитетида бўлиб ўтган кенгашда ҳам ана шу ишнинг асосий йўналишлари, бунга область меҳнат коллективлари қўшиши керак бўлган ҳисса тўғрисида гап борди. Кенгашда область партия комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, область ва шаҳар партия комитетлари, область ва шаҳар ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, тармоқ касаба союзлари область комитетларининг масъул ходимлари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, халқ контроли комитетларининг раислари, шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари иштирок этдилар.

Кенгашда қувватлардан тўлароқ фойдаланиш, асосий фондлар самарадорлигини ошириш, оғир иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техника ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этиш, агросаноат комплексини такомиллаштириш, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилди. Ҳўжалик қурилишининг ҳамма соҳаларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Кенг кўламли вазифалар партиявий ишда ҳам чуқур ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Бу ишда муваффақиятни таъминловчи асосий омил кишилардир. Кадрлар ўй ва кайфиятларини ўзгартиришга эришиш зарур. Уларнинг куч-ғайрати фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан ривожлантириш масалаларини муваффақиятли ҳал этишга йўналтирилиши лозим.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

«ЖАҲОН ЁШЛАРИ — ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА» ЯГОНА СИЁСИЙ КУН МАВЗУИДИР.

Сиёсий докладчилар меҳнат коллективлари ва аҳоли турар жойларида ўтказиладиган суҳбатларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1985 йилни Халқаро ёшлар йили деб эълон қилганлиги, Москвада бўлиб ўтадиган ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали, шаҳримиз комсомол-ёшларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш, Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, тинчлик учун курашга қўшаётган ҳиссалари тўғрисида гапириб берадилар.

Ягона сиёсий кунда ёшларнинг сиёсий ва социал активлигини ошириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш, бўш вақтларини мароқли ўтказишларини таъминлаш масалаларига тўхталади. Сиёсий докладчилар ёшларни қизиқтираётган саволларга жавоб берадилар, аввалги сиёсий кунларда меҳнаткашлардан тушган саволлар бўйича қандай амалий чоралар кўрилганлигидан уларни хабардор қилишади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● **Тошкент область партия комитети ва область касаба союзлари Совети КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга даъват этган республикамизнинг 18 нафар ишлаб чиқариш илғори ташаббусини қўллаб-қувватлаган Тошкент области ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳаракатини маъқулладилар. Ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаганлар сафида «Компрессор» заводининг йиғувчи-слесари Н. Д. Шуленин, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчиси Ғ. Холматов, чинни заводининг қолипловчиси А. Аҳметов, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Д. С. Пўлатова ва бошқалар бор.**

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● **Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси мастер ёрдамчиси Сирожиддин Пўлатов катта зафар қучди. У кўп станокчилик ҳаракатига қўшилиб, юқори зичликда меҳнат қилиб бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажарди. Моҳир новатор ишчи 56 ўринга 90 дан ортиқ дастгоҳга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари машҳур тўқувчи Евгения Губина ҳам бугунги кунда тўққиз йиллик топшириқни адо этиб, ўнинчи йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.**

● **«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий корхонасида халқ истеъмоли молларини тайёрлаб чиқарадиган янги участкани ташкил этишга киришилди. Корхонада ишлаб чиқариш чиқиндиларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам корхонада чиқиндилардан энг яхши истеъмол буюмларини тайёрлаш бўйича конкурс эълон қилинди. Янги участкада рўзғорда ишлатиладиган турли хил асбоблар тайёрланади.**

● **Ҳамшаҳарларимиздан бир неча юз киши Волга дарёси бўйлаб ўтказиладиган саёҳатга жўнаб кетишди. Улар «Владимир Ильич» ва «Алексей Сурков» теплоходларида Астрахандан Ленинградгача борадилар. Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси шу кунларда қизғин ишламоқда. Бюро ҳар куни мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келаётган 20—25 саёҳатчи группани қабул қилиб олмоқда.**

ОБ-ҲАВО

● **Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 32 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 21—23, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.**

БИЛДИРИШ

Ш. Руставели кўчаси бўйлаб ўтиш коллектори қурилиши ва Д-1020 мм. водоводи участкасини кўчириш зарурати муносабати билан шу йил 25 июнь соат 0.00 дан 26 июнь соат 9.00 гача Фрунзе ва Чилонзор районларида совуқ сув босими камайтирилади.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

- Партия ва ҳукуматимиз қарорига жавобан
- Маданият ва истироҳат боғларида нима гап?
- Транспорт ва йўловчи
- Яна телефон муаммолари ҳақида

«ОҚШОМ» РЕЙДИ

Қандай дам олясиз?

Ёзнинг иссиқ кунлари бошланди. Меҳнат отпускасига чиқишга улгурмаган ҳамшаҳарларимиз дам олиш кунларини қандай ўтказишмоқда! Улар учун шаҳримиз ва унинг атрофидаги дам олиш зоналарида қандай шароитлар яратилган! Биз бугунги рейдимизда маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш зоналарида бўлиб ана шу саволимизга жавоб ахтардик.

«Бахт» дам олиш зонаси шаҳримиз чеккасида, трамвай билан бориладиган ерда жойлашган. Шунинг учун бўлса керак бу ерда ҳордиқ чиқарувчилар «Роҳат»дагига нисбатан бир мунча кўп.

— 29-маршрутдаги трамвай уйимизнинг ёнгинасидан ўтади,—дейди В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси А. Нестеренко. — Оиламиз билан трамвайга ўтиришимиз-у дам олиш зонасига етиб келамиз.

— Ўтган йилга нисбатан бу йил оромгоҳда қандай ўзгаришлар бор? — деб сўраймиз ундан.

— Ҳар хил шарбатлар, лимонад, «Тошкент» суви, сут, қатиқ ва рангбаранг ширинликларнинг мунтазам ротилиши айни муддао бўлди. Лекин эътирозларимиз ҳам бор: офтобда тобланай десанг қум кам, аттракционлар синиб ётибди, соябонларнинг шиферлари йўқ...

«Бахт» дам олиш зонаси директори Б. Турсунов боғдаги камчиликлар бартараф этилмаганлигини шундай изоҳлади:

— Улгура олмадик, қумни ваъда қилишган эди, олиб келишмади. Аттракционлар ишдан чиққан...

Кўриниб турибдики, дам олиш зонасида лойқайдик билан қараб, бундан уч-тўрт ой муқаддам бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳалигача адо этилмаган. Дам олишга келганлар эса бу ердаги мутасадди кишиларнинг ўз ишига совуққонлик билан қарашлари оқибатида кўнгилли дам олишмаяпти.

Биз дам олиш зонасидан чиқиб кетаётганимизда самовар қўйиб, чой ичиб ўтирган бир группа ҳордиқ чиқарувчиларни учратдик.

— Ўғлим 7-синфни тугатди. Оиламиз ва унинг ўртоқлари билан биргаликда 11 киши дам олгани чиқдиқ, — дейди «Средазстрой» трестига қарашли автобазанинг ҳайдовчиси Г. Бессонов. Салқин, яхши жой. Лекин аттракционларнинг ишламаётганлиги бизни ранжитди.

Шанба ва якшанба кунлари бу ерда ўн мингдан ортиқ ҳамшаҳарларимиз ҳордиқ чиқаришади. Уларнинг кўнгилли, яхши дам олишлари учун мутасадди ташкилотлар ғамхўрлик кўрсатишлари зарур.

«Роҳат» дам олиш зонасига бу мавсумда «Трактор — Қорасув—Роҳат» маршрути бўйлаб янги 84-автобус хизмат кўрсата бошлади. Корхона ишчилари, массив аҳолиси бўш вақтларида ана шу маршрут хизматидан фойдаланиб, дам олиш зонасида хордиқ чиқариб қайтишмоқда. Ана шунга ўхшаш маршрутдаги автобуслар қатновини шаҳримизнинг бошқа йирик корхоналари, кўплаб аҳоли яшайдиган турар жой массивлари бўйлаб йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Кўпчилик дам олишни истовчилар транспорт хизмати яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида шанба ва якшанба кунлари шаҳар чеккасидаги оромгоҳларда хордиқ чиқариш учун йўл олмаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳақда «Главташпассавтотранс» бошқармаси раҳбарлари жиддий ўйлаб кўришлари керак.

100 гектар майдонни ишғол қиладиган «Роҳат»нинг 40 гектарини кўл ташкил этади. Унинг чап томони кўкаламзор. «Ғалабанинг 40 йиллиги» номли аллеядаги очилиб турган рангбаранг гуллар боғ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Дам олувчилар ихтиёрида 4 та аттракцион, 55 та қайиқ, 80 та сув матраси мавжуд.

Хордиқ чиқарувчилар бу ерда ҳар шанба ва якшанба кунлари ўтказиб турадиган ҳар хил кечаларда иштирок этадилар. Яқинда ўтказилган «Меҳнатга шоншарафлар» деб номланган кечада Ҳамза районининг энг илғор ишчилари билан дам олувчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтди. Бу ўзига хос сайл барчага манзур бўлди.

— Мен пиёда юрсам ҳам «Бахт»га кирмасдан, «Роҳат» дам олиш зонасига ошиқаман, — дейди 2-Қорасув массивида истиқомат қилувчи Д. Юнусов. — Бу ерда дарахт кўп, салқин, суви мўздек. Фақат менинг ғашимга тегадиган нарса дам олиш ерининг ҳамма жойи ҳам озода, саранжом-саришта эмаслиги, сув ичадиган фонтанчаларнинг етишмаслигидир. Бунинг устига тартиб-интизомни муҳофаза қилувчилар йўқлигидан фойдаланган баъзи шахслар машиналарни соябон тагига, соя-салқинга қўйишади. Дам олувчилар эса кўпинча офтобда ўтиришга мажбур бўлишади.


Биз шаҳримиздаги ўнга яқин маданият ва истироҳат боғларида бўлдик. Лекин уларнинг кўпчилигида дам олувчилар айтганлардек ҳали охирига етказилмаган ишлар бор. Бунинг устига боғларнинг территорияси яхши тозаланмайди, дам олувчилар учун етарли кулайликлар яратилмаган. Бунга мисол қилиб А. С. Пушкин номли (директори — Т. Икромов), «Чебурашка» (директори — А. Алиев), Фурқат номли (директори — М. Игнатьева), Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги номли (директори — М. Жалилов), Собир Раҳимов номли (директори — С. Маматов) кўрсатиш мумкин.

Дам олиш оромгоҳлари фақат соя-салқинлиги билан кўзни қувонтириб қолмасдан у ерда кўнгилли хордиқ чиқариш учун барча шароитларни яратиш даркор. Бунда аҳолига хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш корхоналари ҳар хил шарбатлар, ширинликлар, мороженое ва иссиқ овқатлар билан кўчма буфетларни мунтазам ташкил этиши, ўз навбатида — маданият бошқармаси барча оромгоҳларда аттракцион ва бошқа хордиқ чиқарувчи ўйинларнинг мукаммал ишлашини таъминлаши, озодаликка эътиборни кучайтириши, йўл қўйилган барча камчиликларни бартараф этиши даркор. Ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилли дам олиши учун ҳамма шароитни яратиш керак!

О. ҲАЙДАРАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция майори.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.









СУРАТЛАРДА «Бахт» дам олиш зонасида хордиқ чиқарувчилар ана шундай кўнгилсиз воқеага дуч келдилар. Аттракционлар бузилган, ишдан чиққан қайиқлар олиб кетилмаган, шахсий машиналар дарахт панасидаги соя-салқинга қўйилган, чиқиндилар ҳаммаёқни хира қилиб ётибди. Т. Каримов фотолари.

- Ичкиликбозликка — ўт очайлик

ҲУШЁРЛИК — ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққандан сўнг Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида шу қарор ва СССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 1 июндан бошлаб кучга кирган «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони асосида Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш масалалари бўйича бир қатор информацион-инструктив кенгашлар ўтказилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. П. Плотников, Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари Э. А. Дидоренко, республика соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари М. Н. Ризаев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қ. С. Тўлаганов, савдо Бош бошқармаси бошлиғи Ғ. Ҳ. Мансуров, республика юстиция министрлигининг бўлим бошлиғи В. Д. Муругов ва бошқалар шаҳар пропагандистлар активи, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, транспорт ва алоқа ташкилотлари, партия, комсомол ташкилотларининг секретарлари, касаба союз активи ҳузурида ахборотлар беришди. Инструктив кенгаш мобайнида савдо ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг раҳбарлари берган тушунтиришлар муайян даражада «Тошкент оқшоми» газетхонларининг берган саволларига жавоб ҳамдир. Шуни таъкидламоқчимизки, бу мавзуда ҳозир редакция почтасида хатлар айниқса кўп.

1. Тошкентда спиртли ичимликларни сотиш, шу жумладан дам олиш ва байрам кунларида сотиш вақти қандай белгиланмоқда?

2. Спиртли ичимликларни сотишни назорат қилиш бўйича қандай тадбирлар кўриляпти?

3. Ресторанлар қандай режимда ишлайди, официантлар хўрандаларни спиртли ичимлик олишга мажбур этадими, уларнинг 21 ёшгача бўлган ёшларга муносабати қандай бўлади? Савдо ходимлари спиртли ичимлик бераётганда харидорнинг ёшини қандай қилиб ҳисобга олишади?

4. Боғларда, меҳнаткашларнинг дам олиш зоналарида, бошқа жамоат жойларида ҳуқуқ-тартибот муҳофазасини кучайтириш учун нималар қилинмоқда?

5. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида техника ва бадиий ижод билан қизиқувчилар учун шаҳарда нималар қилинади?

1. СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ алкоголь ичимликлар сотиш тартиби маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарорига мувофиқ Тошкентда спиртли ичимликлар одатдаги кунларда ва шанбада соат 14 дан 21 гача, якшанба ва байрам кунлари эса соат 14 дан 18 гача сотилади.

2. Шаҳар савдо Бош бошқармасининг буйруғига кўра вино-арақ сотиш корхоналарида алоҳида касса аппаратлари ўрнатиш ва фақат шу касса орқали харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиш кўзда тутилган. Бундай корхоналар савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсат берилган гувоҳномалар билан таъминланадилар. Савдо залида харидорлар кўзга кўринадиган жойда спиртли ичимликлар сотиш қоидасидан бандлар осиб қўйилади. (Бу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари кўрсатилади).

Шу буйруққа кўра саноат корхоналари, қурилиш ва муассасаларда жойлашган барча буюртмалар столидан барча вино-арақ турларини олиб ташлаш ва бундай товарлар билан бундан буён бу ерларда савдо қилишни тақиқлаш кўзда тутилган.

Район Советлари ижроия комитетларининг қарорига кўра ҳар бир савдо корхонасида баҳо ва савдо қоидаларига риоя қилиш бўйича жамоат комиссияси тузилди. Бундан ташқари область касаба союзлари Совети, халқ контроли органлари йўли билан комиссиялар мавжуддир. Шаҳар савдо бошқармасининг буйруғи билан алкоголь ичимликлар савдоси қоидаларига қатъий риоя қилиш устидан идоравий назоратни кучайтириш белгиланган. Қоидани бузишга йўл қўйган ходимлар маъмурий, зарур ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортилади.

3. Тошкентда 23 та ресторан, шу жумладан Тошкент ресторанлар трести идорасига қарашли 16 та ресторан бор. Уларнинг иш режими соат 11—12 дан соат 23—24 гача белгиланган. Уларда спиртли ичимликлар ҳозирги вақтда соат 14 дан 23 гача сотилади.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққандан сўнг юридик хизматлар томонидан жойларда ресторанларнинг барча моддий жавобгар ходимлари, официантлар состави, спиртли ичимликларни реализация қилиш қоидаларини тушунтириш бўйича метрдотеллар ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб борилди.

Умумий овқатланиш ходимларининг спиртли ичимликларни сотиш қоидаларини бузиш борасидаги масъулиятига алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда официант хўрандалардан буюртма олаётганида энг аввало таом, закусканинг, соскларнинг хиллари ҳақида маълумот бериши, таомларнинг баъзи ўзига хос хусусиятларини тушунтириши, спиртли ичимликка буюртма қабул қилишга шаъма қилмаслиги, имкони бўлса унинг ўрнига турли хил соклар, муздек ичимликлар ва бошқа ёқимли спиртсиз ичимликлар билан алмаштиришни таклиф этиши зарур.

Официант ёшлардан буюртма олаётган чоғида уларнинг спиртли ичимликларсиз ҳордиқ чиқаришлари учун бутун чораларни кўриши керак. Агар ёшлар 21 ёшга етмаган бўлсалар, уларга спиртли ичимликлар сотилмайди.

Спиртли ичимликни сотиш чоғида харидорнинг кўрсатиб ўтилган ёшга етганми — йўқлиги тўғрисида пайдо бўлган ҳар бир шубҳали ҳолда ёшни тасдиқловчи ҳужжат, гувоҳнома кўрсатилмагунча спиртли ичимлик сотиш тақиқланади.

4. Маълумки, ичкиликбозлик жамиятга зид хатти-ҳаракатлар қилишга шароит туғдиради, жиноят содир бўлишига олиб келади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси томонидан шаҳар маданият ва истироҳат боғларида жамоат тартибини муҳофаза этишни таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилди. Масалан, Горький, Тельман, Пушкин номли ва бошқа боғлар майдонида милиция ходимлари билан халқ дружиначиларининг биргаликда мунтазам навбатчиликлари ташкил этилган. Шаҳар БҲСС хизмати томонидан савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини текширишга жамоатчилик жалб этиляпти. Халқ дружиначилари иштирокида эса бир қатор тадбирлар, шу жумладан савдо ташкилотларида спиртли ичимликлар савдоси қоидаларига риоя қилишни текшириш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда.

Кўчада ва бошқа жамоат жойларида ўртача ёки жуда маст ҳолда кўринган шахсларга нисбатан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ чоралар кўрилмоқда. Улар медицина ҳулосасига мувофиқ суратда медицина ҳушёрхоналарига жойлаштирилмоқда, улардан белгиланган миқдорда жарима ундирилмоқда.

Маст кишилар орасида ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар ҳам оз эмас. Текинхўрлик учун қонунга мувофиқ тартибда жавобгарлик кучайтирилди. Текинхўрлик учун озодликдан маҳрум этиш муддати бир йилдан икки йилгача, аввал судланганлар учун эса уч йилгача узайтирилди. Агар корхоналарнинг маъмуриятлари халқ депутатлари ижроия комитетлари қошидаги ишга жойлаштириш комиссиялари томонидан ишга юборилган кишилар билан ишлашни яхшироқ ташкил этсалар, кўрилган чора-тадбирлар самараси ошади.

5. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкилибозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шаҳар савдо Бош бошқармаси томонидан аҳолининг дам олишини ташкил этишни яхшилаш бўйича бир қатор тадбирлар кўрилмоқда. Слесарлик ва дурадгорлик асбоб-ускуналари, авто ва мото эҳтиёт қисмлар, кино ва фото материаллар, бадиий бўёқ ва мўйқаламлар, ярим фабрикатлар, маданий-маиший буюмлар, уй-рўзғор буюмлари, техника ва бадиий ижод учун зарур бўлган буюмлар — саноат ишлаб чиқаришининг чиқиндиларидан махсус тайёрланган барча буюмлар сотишни кўпайтириш учун ресурслар ажратилмоқда.

Қарор асосида «Асбоб-ускуналар», «Ўзинг яса», «Боғдорчилик» ва бошқа хил ихтисослашган магазинлар тармоқлари жадал суръатда ривожлантирилмоғи зарур.

- Сўраган экансиз...

Имтиёзли йўл ҳақи

Биз Н. К. Крупская номли педагогика билим юртида ўқиймиз. Биз 1 сўм 50 тийинлик ойлик автобусда юриш билети олиш ҳуқуқига эгамизми?

Н. Аҳророва,
К. Йўлдошева.

С. АЪЗАМОВ,
Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

— Барча умумий таълим ва махсус мактабларнинг, мактабинтернатларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг ва бошқа касб ўрганишга оид ўқув муассасаларининг ўқувчиларига шаҳар транспортида юриш учун имтиёзли тариф бўйича билет олиш ҳуқуқи берилади. Чунончи, педагогика билим юрти ўқувчилари бу ҳуқуқдан фойдаланадилар. Улар шу асосда автобусда юриш учун 1 сўм 50 тийинлик ойлик имтиёзли йўл карточкаси олишлари мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, транспортда юриш карточкалари ёки бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари бўлган пассажирлар салонга киришлари билан кондукторга, пассажирларга кўрсатишлари керак.

Шу кунниг мавзуи

Соқов телефонлар

ЖАВОБ БЕР, СПРАВКА БЮРОСИ!

«Оқшом» газеталари редакцияси учинчи марта справка хизмати телефонларининг, шунингдек шаҳар автомат телефон станцияларининг қоннқарсиз иши ҳақида ёзяпти. Бу ҳақда оқшомхонлардан бетиним хатлар келиб турибди. Барча справка хизматларининг узлуксиз бир маромда ишлаши борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказий газеталардан бири — «Известия» газетаси саҳифасида Тошкент справка хизмати телефонларининг иши ҳаққоний танқид қилинганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Келинг, яхшиси оқшомхонларнинг редакцияга йўллаётган хатларига мурожаат қилайлик.

● «Менинг 46-83-61 номерли уй телефоним 1977 йилда ўрнатилгач, фақат дастлабки ойлари яхши ишлаб турди. Сўнгра «аксира» бошлади. Бизга ҳеч ким қўнғироқ қилиб тушолмайди. Биз телефон қилсак, керакли жойга тушолмаймиз. 46-АТС катта инженери Йўлдошев ва Собир Раҳимов алоқа узели бошлиғи Тўлакбоев бизнинг қийналаётганимизни билишади, аммо ҳеч қандай чора кўришмаяпти.

А. ҲАМИДУЛЛАЕВ.

● «09» справка хизмати ходимлари саволингизни охиригача эшитишни исташмайди. Қайта сўрамоқчи бўлсангиз жеркиб беради ёки трубканн қўйиб қўяди».

«Узбексельмаш» заводи ходимлари.

● «Шаҳарлараро телефон станцияси орқали буюртма бермоқчи бўлдим. «07» номеридан 44-08-13 га телефон қилишимни маслаҳат беришди. Улар эса 44-39-10 га телефон қилишимни айтишди. У ердан эса 44-65-08 ни беришди. Бу номер эса жавоб бермади. Натижада гаплашолмадим».

М. ЯРОСЛАВЦЕВА.

● «Аэропортнинг «006» справка бюросига бир-бир марта телефон қилиб тушишга муяссар бўлолмаганман. Агар аэропортга келиб справка бюроси хонасига кирсангиз, тинимсиз қўнғироқ қилишаётганини, ходим эса жойида йўқлигининг гувоҳи бўласиз».

Э. АЙТҚУЛОВА.

● «Қўшним менинг уйимдаги телефондан «04» орқали «Ташгазнинг авария бўлимига телефон қилди. Чунки у газни ёқиб ўчиролмай ётган эди. Буни хабар қиламиз деб уч соат овора бўлдик.

Кечқурун эса соат 21.00 дан 22.00 гача «009»га телефон қилиб, таниишимизнинг квартира телефонини билмоқчи бўлдик... Бизнингча, бу хизматнинг ишини яхшилаш учун раҳбарлари томондан қатъий амалий назорат керак. Бинобарин, «01» ва «02» справка хизматлари нуқсонсиз ишлаяпти-ку!»

Н. ОБИДОВА,
Улуғ Ватан урушн ветерани.

● «62-АТСнинг ҳисоб-китоб группаси телефони 44-37-74. Бу номер бўйича қўнғироқ қилиб асло тушолмадик. Бу масала бўйича Навоий кўчаси, 26-уйда соат 16.00 дан қабул қилишади. 62-АТСдан фойдаланувчи аҳоли учун эса бу жуда ноқулай. Қарийб бир соатда бу ерга етиб келиш мумкин...»

СКРИПНИЧЕНКО,
меҳнат ветерани.

● «Сапёрлар майдонида жойлашган ЦАВС шаҳар агентлигига ҳеч телефон қилиб бўлмайди. Охири бу ерга келиб сўрасам справка бюроси хизмати ходими «Телефонда жавоб беришга менинг вақтим йўқ» деб жавоб берди. Мана шунақа сервис!».

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ЦНИИХпромнинг лабораторня мудири.

● «09» справка хизмати ёмон ишлаётганлиги тўғрисида доимо гапиришади. Аммо Бош универсал магазини ёнида жойлашган дорихоналар справкаси (телефони 42-33-96) бундан беш баттар ишлайди. Мана икки йилдирки, у ерга қўнғироқ қилиб тушолмайман. Мен иккинчи группа инвалидиман. Дори олиш учун у ерга бориш имкониятига эга эмасман. Аввалига дорихона бошқармасидагилар телефон кабели узилган деб баҳона қилишди. Энди эса бутунлай жим бўлиб кетдилар».

И. ДАВИДОВ.

● «Мана бир неча ойдирки, 33-68-58 номерли квартира телефонимни нормал ишлатолмай сарсонман. «08»ни тераверіб чарчадим. Трубкадан қисқа товуш келади ёки трубканн мутлақо кўтаришмайди».

К. КОНДРАТЬЕВА.

● «Бизнинг ўғлимиз Эстонияда Совет Армияси сафида хизмат қиляпти. 21 февраль куни 58-24-28 номерли уй телефонимизга шаҳарлараро телефон станцияси орқали ўғлим билан гаплашиш учун буюртма бердик. Соат 22.10 да бизни улашди. Ҳеч нарса эшитиб бўлмади. Ўғлимизни байрам билан табриклашни жуда ҳам истаган эдк. Телефон бирдан қатиқ жиринглаб қолди. Телефончи қиз эса биз 10 минут гаплашганлигимизни айтди. Мен эса ҳеч нарса эшитилмади, гаплашолмадик-ку, деб айтдим. Телефончи қиз бўлса «Энди менинг сменамда гаплашиб бўпсиз» деб трубканн «шақ» этиб қўйиб қўйди».

Э. ЖЎРАЕВ.

● «Гоҳида шундай бўлади. Дорихоналарнинг справка бюросига телефон қилиб қаердан зарур бўлган малҳамни сотиб олиш кераклигини сўрайсиз. Сизга дорихона номерини айтишади. Вақт кетказиб борасиз. Сотувчидан ўша дорини сўрайсиз. У бўлса «Э, бу дори аввалги ҳафтада тамом бўлган» ёки «Ҳали бизга келмади» деб жавоб беради. Пировардида вақт кетказиб, кайфиятингизни бузиб қайтасиз. Қўполлик, эътиборсизлик, миннат қилиш — буларнинг ҳаммаси справка хизмати ишидаги нуқсонлардир. Уларни зудлик билан бартараф этиш керак».

В. ЗЕЛЕПУХИН.

РЕДАКЦИЯДАН: Республика шаҳарлараро телефон станциясидан иккита жавоб олиндн. Бу икки жавобга ҳам унинг бошлиғи Д. М. Абдуллаев имзо чеккан. Шулардан бири, яъни шу йилнинг 18 апрель куни йўлланган хатда шундай дейилади:

«007» ва «07» справка хизматига чиқиш ҳақиқатдан ҳам қийин бўлган. Бу тўғри деб топилди. Шу йилнинг биринчи квартали мобайнида Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси билан ҳамкорликда техник носозликларни бартараф этиш, шунингдек ташкилий камчиликларни йўқотиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг 28 январь куни гражданка Бекированинг Шаҳрисабзга берган буюртмаси нима учун бажарилмаганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, коммутатор цехининг телефонистқаси Глушкованинг айби билан алоқа улаб берилмаган. Бир ойлик иш якунн бўйича у маъмурий тартибда жазоланди. Республика шаҳарлараро телефон станциясида шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланиш бўйича ахборот олиш учун иккита шаҳар телефони: 33-58-10 ва 39-49-10 ажратилган. Бу телефонларнинг ишлаш сифатн ҳар куни кўздан кечириляпти. Абонентлар участкасида гаплашувларга ҳақ тўлаш бўйича маълумотларни олиш учун 8 та шаҳар телефонн ташкил этилган».

Жавоб хатидан кўрнниб турибдики, республика шаҳарлараро телефон станциясида ўз иши сифатини яхшилашга жиддий киришилган. Аммо афсуски, «09» справка хизмати [хизмат бошлиғи М. Ф. Аверинкова] ва айниқса «006» аэропорт справка хизмати [бошлиғи В. Шукин] раҳбарларн тўғрисида бу гапни айтиш қийин. Ёмон ишлаётганлиги туфайли уларнинг адресига шикоятлар оқиб келмоқда. Бу хизматларнинг раҳбарлари редакция билан ҳам «дин-дин» ўйнашмоқда. Справка бюроси жим. Уларнинг раҳбарларн ҳам индамас... Хуллас, ана шунақа гаплар.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«СУВ ҚУЙИШЯПТИ»

Газетаннинг шу йил 20 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилган эди. Редакция «Водоканал» трести водопровод тармоқларн бошқармасидан қуйидаги жавобнн олдн:

Ҳақиқатдан ҳам Бобоев кўчасидаги 56-уй қаршисида водопровод қувурн ёрилиб, сув оққан. Бугунги кунда ана шу камчиликлар бартараф этилди.

«ТАЛАБГА ЖАВОБ»

Газетаннинг шу йил 2 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилнб унда «Главташкентстрой»га қарашли 26-ётоқхона танқнд қилинган эди. Редакция «Главташкентстрой» бошлиғнинг ўринбосари Қ. Солиҳов имзосн билан қуйидагн жавобнн олдн:

Мақола 8-уй-жой коммунал идорасн коллективн ва 26-ётоқхонада яшаётганлар билан муҳокама қилиндн. Ётоқхона комендантн Иккитина вазифасндан бўшатилдн. Ётоқхонада ремонт ишлари бажарилдн ва янги электр жиҳозлари ўрнатилдн. Юз, қўл ювадиган хона ва хожатхоналар янги жиҳозлар билан таъминланди. Ётоқхонадаги капитал ремонт ишларнинг асосий қисмн шу йилнинг августқ ойида бошланади.

ТАРТИБГА КЕЛТИРИЛДИ

Газетаннинг 21 март сонида «Сувсираган ариқлар» ва «Қаровсиз соябонлар» сарлавҳаси остида танқндй мақола берилиб унда Киров ва Собир Раҳимов районларидаги канал ва кўчалар танқнд қилинган эдн.

Редакция мана шу мақолалар юзасндан шаҳар ободонлаштнриш Бош бошқармасндан қуйндагн жавобнн олдн:

«Мақола Киров ва Собир Раҳимов район ободонлаштнриш бошқармасн хизматчилари орасида муҳокама этилдн. Қорахўжа ота каналн тозаландн ва гвардия-полковниги Хўжаев, Мукаррама Турғунбоева кўчаларидаги майда крригацня шахобчаларн чиқиндилардан тозаланмоқда.

• Сахалин область драма театрининг Тошкентдаги гастроллари

«ШАҲРИНГИЗ БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ...»

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Шу кунларда шаҳримиздаги М. Горький номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли рус Давлат академик драма театри биносида А. Чехов номли Сахалин область драма театри ижодий коллективининг гастроллари муваффақият билан давом этмоқда. Томошабинлар узоқ-узоқлардан, Сахалин оролидан ташриф буюрган меҳмонларнинг турли мавзулардаги классик ва замонавий саҳна асарларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Истеъдодли коллектив ижросидаги ҳар бир спектакль сермазмунлиги, таъсирчанлиги билан мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда.

Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз театрнинг бош режиссёри П. А. ЦЕПЕНЮК билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:



— Павел Аркадьевич, аввало республикамизда ўтаётган гастроль сафарингиз ижодий коллективингиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Шуни айтишим керакки, бизнинг авваліги гастроль маршрутларимиз Россия территориясидан четга чиқмаган бўлиб, бу йил илк бор ўзимиз яшаб турган республика чегарасини кесиб ўтдик. Шу боис бу гастроль сафаримизнинг аҳамияти биз учун ниҳоятда беқиёс. Зотан бу ижодий сафарнинг биз учун ўзига хос имтиҳон бўлишини жиддий қайд этиб ўтмоқчиман. Биз яшаб ижод қилаётган Сахалин областидан анча йироқдаги ўзбекистонлик дўстларимизнинг кўп йиллик изланишларимиз маҳсули хусусидаги фикрлари театримиз коллективи учун бағоят қадрли.

Тошкент — юксак театр маданияти билан Иттифоқимизга довруғ солган шаҳарлардан бири. Бу ерда театр санъати институти мавжудлигининг ўзи жуда кўп омиллардан далолат бериб турибди. Қолаверса биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўнта профессионал театр коллективи фаолият кўрсатиб турганлиги тошкентликлар серзавқ, санъатсеварлигининг, саҳна санъатига бўлган меҳру садоқатининг рамзидир. Бунга биз Сахалин областида икки марта бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати декадасида ҳам амин бўлган эдик. Мана ҳозир ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

— Театрнинг «Тошкент репертуари» қандай?

— Театримиз репертуарини қуйидагича мухтасар ифода этиш мумкин: имкон борича бугунги куннинг актуал мавзуидаги замонавий асарларга мурожаат этиш, замондошларимиз ижтимоий-маънавий талаб ва эҳтиёжларига ҳозиржавоб бўлиш, уларни ташвишга солган, безовта қилган ахлоқий-этик масалаларни аниқ, лўнда ва таъсирчан акс эттириш. Классика масаласига келсак, бу борада ҳам биз асар мавзуи ҳамда ғоясининг бугунги кунимизга нечоғли ҳамоҳанглигига жиддий эътибор берамиз. Чунончи, гастроль репертуаримиздаги ўн олтита саҳна асаридан иккита классик асар асосидаги ҳамда тўртта болаларга мўлжалланган спектакларни истисно қилганда қолган ҳаммаси замонавий драматургиямизга мансуб асарлар замирида яратилган. Бу спектакларнинг аксари В. Шукшиннинг «Тонг саҳар-ла уйғонди улар...», В. Левашовнинг «Калит», Г. Рябкиннинг «Мавсумий моделлар», Н. Семеновнинг «Ғилдиракли печка» каби комедиялардан иборат. А. Дударевнинг «Остона», «Оқшом» драмалари, С. Злотниковнинг «Эркак аёл ҳузурига ташриф буюрди», А. Арбузовнинг «Шаҳар четидаги уйча» мелодрамаси ҳам томошабинлар қизиқиш ва эътиборига сазовор бўлади, дея умид қиламиз. Репертуаримизга А. Островскийнинг «Барно йигит» ҳамда М. Горький ижодига мансуб «Васса Железнова» асарининг биринчи варианти асосида саҳнага қўйилган шу номли спектакларни ҳам киритганмиз.

Сахалинда яшаб ижод қилаётган маҳаллий драматургимиз Александр Тоболяк драмаси асосида саҳнага қўйилган «Ташриф» спектакли ҳам театримиз коллективи учун ниҳоятда қадрли.

Ниҳоят, яна бир нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчиман: нурли истиқболимиз— болаларни ҳам мумкин қадар хушнуд қилиш тадорикини кўриб келганмиз. Гастроль репертуаримиздаги Г. Соколовнинг «Қурбақа — Малика», Г. Сапгир ва С. Прокофьевнинг «Этик кийган мушук», С. Михалковнинг «Чиранчиқ қуён», М. Машадунинг «Пиёзнинг ўғирланиши» эртаклари асосида саҳнага қўйилган спектакллар болаларга аталган.

— Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. Ижодий сафарингизни яна қайси шаҳарларда давом эттириш ниятидасиз?

— Ў-ў-ў, ниҳоятда фарахбахш, завқбахш ва ҳаётбахш таассуротлар оғушидаман! Бирлиқа мен эмас, бутун коллективимиз ана шундай таассуротлар билан яшаяпти. Бу ажойиб, серқуёш ўлка билан боғлиқ ҳиссиётларимиз оламжаҳон ва ҳаммаси мутлақо ижобий!

Бу ерда бизга рўбарў бўлган илк бахт нима? У ҳам бўлса юқорида қайд этганимдек, биз билан санъат воситасида, театр тили билан тенг ҳуқуқли мулоқотда бўла оладиган томошабинлар билан учрашув!

Тошкент гўзаллиги билан бизни беҳад мафтун этди. Биз жуда кўп шаҳарларда бўлганмиз. Турар жойлар, корхона, муассаса, ташкилотлар бинолари бир хил қиёфага эга бир неча шаҳарларни биламиз. Агар адашиб бориб қолсангиз шаҳар кўрки, ундаги бинолари кўриб қаердалигингизни англаб ололмайсиз. Тошкентда эса ҳар бир бино ўзига хос бўлиб, миллий меъморий услуб ва анъаналарни ўзида мужассам этади. Хуллас, кўриб кўз қувонади, кўнгил яйрайди. Тошкентликлар ўзларининг жуда кўп фазилатлари билан сахалинликларга ўхшашлиги бизни бениҳоя ҳайратга солди: ҳаммалари хушмуомала, сертакаллуф ва меҳмондўст.

Тошкентдан сўнг гастроль сафаримизни Бухорода, ундан кейин эса Навоий шаҳрида давом эттирамиз.

Агар томошаларимиз Сиз азиз дўстларимизга маъқул бўлса, Сизлардаги яшаш иштиёқи, меҳнатга бўлган эҳтиёжни яна ҳам юксалтиришга кўмаклашса ziммамиздаги бурчни адо этган бўлардик.

Суҳбатни Ф. ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

СУРАТЛА Р Д А: «Барно йигит» ва «Этик кийган мушук» спектакларидан саҳналар.



Читаем «Ташкент оқшоми» — здоровья, счастья, удачи!

Цепенюк

«Тошкент оқшоми» газетхонларига сиҳат-саломатлик, бахт, омад ёр бўлсин!

Цепенюк.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш

БЕРЛИН. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва интенсивлигини ошириш — ГДР қурилиш индустрияси коллективларининг ҳозирги беш йиллиқдаги асосий вазифаларидан биридир. Тармоқ меҳнаткашлари бу йил хом ашё ва материаллар сарфини камайтириш билан бир вақтда қурилиш ишлари сифатини яхшиладилар. Тармоқнинг ички сарфлари ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 15 процент камайди, деди ГДР қурилиш министри В. Юнкер бу ерда ГБСП Марказий Комитети ва республика министрлар советининг қурилиш масалаларига бағишланган конференциясида сўзга чиқиб.

Тармоқ меҳнаткашлари, деб таъкидлади министр, ҳозирги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Улар 1990 йилга қадар уч миллиондан ортиқ янги ва капитал ремонт қилинган квартираларни фойдаланишга топширишни кўзда тутувчи уй-жой қурилиши программасининг бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашишга қатъий аҳд қилганлар.

Хошимин институтининг юбилейи

ХОШИМИН. Бу ердаги медицина-фармацевтика институти ўзининг ўн йиллик юбилейини нишонлади. Бу институт Жанубий Вьетнам америкапараст қўғирчоқ режимдан озод қилинишидан бироз кейин ташкил этилган эди.

Институт республика медицина-фармацевтика саноати учун малакали кадрлар тайёрлашнинг чинакам масканига айланди. Унинг битирув чиққан 3,5 мингдан зиёд юқори малакали медиклар, фармацевтлар, стоматологлар мамлакат жанубидаги турли шаҳарлар ва вилоятларда ишламоқдалар.

Институт ходимлари катта илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Улар 400 дан ортиқ илмий ечимларни ва амалий тавсияномаларни таклиф қилдилар, бу ечим ва тавсияномалар аҳолини турли тропик касалликлардан даволашда, дори-дармонлар тайёрлашда муваффақиятли қўлланилмоқда. Олимлар Америка агрессорлари қўллаган заҳарли химиявий моддалар, жумладан, ана шу моддалар турларидан бири ҳисобланган ва тарқибида ўта заҳарли диоксин заҳари бўлган «Эйжент Оранж» қўлланилишидан зарарланган кишиларни даволаш методларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшдилар.

XX аср қуллари

НЬЮ-ЙОРК. Тирикчилик ўтказиш умидида АҚШ чегарасидан яширин ўтиб олган Лотин Америкасидан келган кишилар аксариятининг қисмати тонгни-тонгга улаб меҳнат қилиш, шафқатсиз калтакланиш ва қийноқларга чидашга маҳкум этилган. «Чикаго Трибюн» газетасининг уқтиришича, бундай кишиларнинг оғир мусибати чегарадан ўтишдан олдин бошланади. Улар бу ерда муҳожирларни АҚШга яширин ўтказиб қуювчи тўдаларнинг қўлига тушиб, 500 доллардан 2 минг долларгача ҳақ тўлашга мажбур бўладилар.

Пулни дарҳол беролмаганлар юк тушириш лагерида қоладилар. Тўдаларнинг хўжайинлари қуролланган қўриқчилар ёрдамида муҳожирларни шафқатсиз калтаклайдилар ва шу тариқа ваъда қилинган пулни тўлашни талаб қиладилар. АҚШ иммиграция ва гражданликка ўтказиш хизмати вакилларининг айтишича, кўпинча иш муҳожирларни ўлдиришгача бориб етади, уларнинг жасадини таниб бўлмас ҳолга келтириб, чекка жойларга ташлаб юборишади.



ҲИНДИСТОН. Деҳлидаги «Спринг Дейлз» мактабида мана ўн йилдирки, рус тили ўқитилмоқда. Бу ердаги М. Горький номли интернационал дўстлик клуби аъзолари ҳинд-совет дўстлиги кечалари, викторналар, Совет Иттифоқи ҳақида турли конкурсларни тез-тез ўтказиб туришади. Бундай маросимлар мактаб ўқувчиларни томонидан катта байрамга айлантирилади.

СУРАТДА: Совет—Ҳиндистон дўстлигига бағишланган тантаналарда.

МАГНИТАФОНЛИ АВТОРУЧКА

Бугунги кунда магнитафонлар ва диктафонлар на фақат журналистлар ва ёзувчилар, ҳатто инженер, технологлар сингари мураккаб касблн мутахассисларнинг доимий иш қуроли бўлиб қолмоқда. Ғарбий германиялик мутахассислар оддий авторучкага жойлашадиган магнитафон яратдилар. Бу миттн магнитафон кассетасидаги лента 33 минутга етади. Микрофон ҳам авторучка корпусига ўрнатилган. Шундай қилиб, қадимий ёзув қуролининг иккинчи касбн топилди.

ЁШАРАЁТГАН ҚАРИЯЛАР

Ҳинд океанидаги Мерги архипелаги аҳолиси куп сайин ёшармоқда. Бунн сирн шундан иборатки, янги инсон туғилган пайтда дастлаб унга 60 ёш берилади. Шундан сўнг йиллар ўқага қараб ҳисобланади. Агарда берилган ёш яшаб бўлинса, яна унга ўн йил «қўшилади». Бу ҳам етмаса, яна ўн йил «берилади» ва ҳоказо. Шу боисдан ҳам ёши 60 ёшдан ўтганларни икки, уч ва ҳоказо марта туғилган, деб аташади.

РАҚОБАТ ҚУРБОНЛАРИ

Сидней шаҳрида сотилаётган кўплаб Австралия ёдгорлик совғалари чет эллярда ишлаб чиқарилган. Мамлакатдан эсдалик сифатида олиб кетилаётган буюмларни кўпинча Ғарбий Европа фирмалари таиёрлаб бермоқда. Ҳатто ишни бажарган фирма белгиси ҳам қўйилаётир. Маҳаллий матбуотнинг ташвишланиб ёзишича, австралияликлар бойлик орттиран қувиш туфайли рақобат қурбонлари бўлишмоқда.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграцияси да қатнашиш —Дунай металлургия комбинатида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш негизидир. Корхона ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Дунайварошда бўлиб ўтган тантаналн йиғилиш қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар.

Дунай металлургия комбинати ҳақли равишда совет-венгер дўстлиги объекти деган юксак номга сазовор бўлган: республикада энг йирик саноат комбинатларидан бири бўлган бу корхона Совет Иттифоқининг кенг техникавий кўмаги билан қурилган. Унинг цехларида «СССРда ясалган» маркаси қўйилган машина-ускуналардан фойдаланилмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида самарали алоқаларнинг ривожланиши Дунайварош металлургларига чўян ва пўлат эритиш технологиясини доимо такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кенгайтириш имконини бермоқда. Қардош мамлакатлар мутахассисларининг ёрдами билан комбинатда пўлатни узлуксиз қуйиш қурилмаси фойдаланишга топширилди, йилига 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган кислород-конвертор цехи дастлабки маҳсулот берди. Цех совет мутахассисларининг иштироки билан қурилиб, яқинда ишга туширилган эди.

●

СОФИЯ. Бу ерда «қўл меҳнатини механизация-лаш ва автоматлаштириш» мавзуида кўргазма очилди. Унга саноат роботлари ва манипуляторларидан тортиб — оғир беморларни ташиш ва парвариш қилиш учун ишлатиладиган мосламаларгача бўлган экспонатлар қўйилган. Бу мамлакатда биринчи ана шундай кўргазмадир. Унда «оғир жисмоний меҳнатни камайтириш — саккизинчи беш йилликкинг зарбдор фронти» шиори остида болгар касаба союзларининг ташаббуси билан авж олдириб юборилган ҳаракат қатнашчиларининг ечимлари бор.

Кўргазмада ихтирочилар ва рационализаторлар, конструкторлик коллективлари беш йилликкинг ўтган тўрт йили мобайнида ишлаб чиқаришга жорий этган бўюмларнинг бир неча юзлаб энг яхши намуналари намойиш қилинмоқда.

●

ЛИМА. Перуда энг йирик ва мамлакатнинг шимолида жойлашган Чимботе порти балиқчилари ва ишчиларининг 80 кундан кўпроқ давом этган забастовкаси ғалаба билан тугади.

Меҳнаткашлар маъмурларнинг балиқни қайта ишлаш саноати корхоналарини хусусий секторга топширмаслик, Перу балиқчиларининг маҳсулоти харид нархларини оширнш ҳақидаги расмий ваъдаларини олишга муваффақ бўлдилар. Ҳимботедаги илгари норентабель деб ёпиб қўйилган, балиқ уни ва балиқ мойи ишлаб чиқарадиган заводлар ўз ишини бошлайди, меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари ҳам кўрилади.

РЎЗИ ҚОДИРИЙ— 60 ЁШДА



Рўзи ҚОДИРИЙ

БУГУН **ЎЗБЕКИСТОН ССР Ёзувчилар союзининг Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида таниқли уйғур шоири ва олими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Рўзи Қодирий туғилган кунининг 60 йиллигига бағишланган кеча ўтказилади.**

Шоирнинг биринчи шеъри «Менинг халқим» [1945 йил] босилиб чиққандан бери ўтган вақт мобайнида йигирмадан ортиқ шеърий, драматик ва насрий асарлари китобхонлар қўлига борнб етди. Р. Қодирийнинг «Кураш илҳоми» [1959], «Уйғур қўшиқлари» [1960], «Уйғур эртаклари» [1961], «Баҳодир ўғли» [1962], «Қашқар қўшиқлари» [1965], «Муқаддас замин» [1969], «Қалбим—сизга» [1975], «Менинг фахрим» [1978] сингари ўнлаб тўпламлари ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонлар эътиборини қозонди.

Олим сифатида ҳам Рўзи Қодирий самарали меҳнат қилди. 1961—1975 йиллар давомида у 60 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди. Р. Қодирий «Улуғ Октябрь уйғур адабиёти» [1971] ва «Уйғур реалистик адабиётининг тараққиёти» [1979] монографияларининг муаллифидир.

ЗАМОНДОШЛАРИМ

(МОНОЛОГ)

Эй, замондошларим, фидокорларим.
Меҳнатда, қурашда туғдорларим сиз.
Мўъжизакорларим, шуъладорларим,
Шонлардан шонларга пойдорларим сиз.
Тўлиб етилдингиз, камол қўчдингиз,
Замона оқими измингиздадир.
Кенг уфқлар ёзди ақлу кучингиз,
Тарих ғилдираги изингиздадир.
Эзгуликка жангчи, посбонларим сиз —
Жаҳоннинг юкларин кўтаргувчи ҳам.
Башарин асровчи қироларим сиз,
Асрлар дамидир сиз яратган дам!..
Бирларингиз само сирин очгувчи,
Юлдузлар оламни кезар фазогир.
Коинотга инсон кўрин сочгувчи,
Қуёшга интилиб сузар фазогир.
Бирларингиз етук муҳандис, физик,
Турфа хил мўъжиза бунёд этасиз.
Ватан деб куну тун қоқмайсиз киприк,
Машина, корабль ижод этасиз!
Бирингиз геолог, топасиз зап кон,
Тоғлар оғушидан, уммон тубидан.
Машаққатни писанд этмайсиз ҳеч он,
Сизнинг кашфингиздир қазилган маъдан.
Бирингиз кимёгар, заминга соҳиб,
Ернинг дардин англар, мисоли табиб.
Бағишлайсиз ерга малҳаму қувват,
Зараркунандага қилмайсиз шафқат!
Конларни қазувчи шахтёр бирингиз,
Мартен печга маъдан йўллайсиз мудом.
Бойлик яратишда йўқдир тенгингиз,
Элу юрт равнақин ўйлайсиз мудом!
Бирингиз оловда тоблайсиз пўлат,
Юз бир хил машина, кораблар-чун,
Бахш айлайсиз жисму жон бирлан қудрат,
Оширасиз элнинг қурбин кунба-кун!
Бирингиз заршунос, яратасиз зар,
Зарки, бу — оқ олтин, пахтадир зотан.
Унинг оқ шуъласин олам симирар,
Шунча шуълавор сиз, яшнатган Ватан.
Азалий билимдон деҳқон бирингиз,
Дон-нон бунёдкори, маъмурлик сиздан,
Мамнунлик бахш этиб оқар терингиз,
Қувонч иси тарар хирмонингиздан,
Бирингиз раҳнамо чорвачиликка,
Сон, сифат қўшасиз, отарга отар.
— Сут, ёғ, гўшт мўл бўлсин— дейсиз ҳар зумда,
Талаблар кўзингиз ўнгидан ўтар.
Бирингиз баркамол шифокор, ҳаким,
Умр узартгувчи, жон қўшгувчи сиз.
Ҳаётни яшартиш қўйида доим,
Сўнмаслик бағишлар ва жўшгувчи сиз.
Бирларингиз тенгсиз мураббий, устоз,
Сиздан таълим олар буткул кекса-ёш.
Элни сиз, сизни эл этади эъзоз,
Сиз илму ҳунарлар қўшинига бош.
Дунёвий ўзгишлар бахш этолдингиз,
Мўъжизакорликда барчангиз бирдек.
Қалблар қўрин юртга нақш этолдингиз,
Порлаётир ана, нақшингиз нурдек.
Зар чекиб, гул териб кўрклар кашф этиб,
Жозибадорликни яратмоқдасиз.
Гўзалликни севмоқ ишқин касб этиб,
СССР шуҳратин таратмоқдасиз.
Қардошлик ниҳолин экиб авайлаб,
Ўстирган, қиёмга етказганлар сиз.
Элларни элларга ҳамнафас айлаб,
Муштараклик мухрин тутказганлар сиз.
Дилларда ёлқинли ҳислар уйғотиб,
Онгу шуурларга сингдирганлар сиз,
Олам юрагида чўғ ловуллатиб,
Мангу гуриллар ўт ёндирганлар сиз.

Шоирнинг бахти

Таниқли уйғур шоири Рўзи Қодирий олтмиш ёшга тўлди. Бу— чинакам ижодкор учун етуклик, камолот палласи. Бундай пайтда босиб ўтилган йўлга бир назар ташлаш, қилинган ишни хаёлан кўздан кечириш истаги туғилиши табиий. Замонамизнинг улуғ шоири В. Маяковский айтганидек, ҳар қандай юбилей— бу ўзига хос бир кўрик, фикрларни жамлаб олиш, янги режаларни белгилаш айёмидир. Шу маънода Рўзи Қодирий босиб ўтган ижодий йўл ҳам ғоят ибратли.

У, 1925 йили Шарқий Туркистоннинг (Хитой) Қашқар вилояти, Қашқар шаҳри яқинидаги Тошмалик қишлоғида туғилди. Бошланғич маълумотни олгач, Қашқар шаҳридаги гимназияда (1942—1945) таҳсил кўрди. Сўнг Урумчи шаҳридаги миллий институтда (1945—1947) ўқиди, 1946 йилда инқилобий руҳ билан йўғрилган «Эзилган деҳқон» пьесаси учун гоминданчиларнинг таъқибига учради. Ўша ерда чиқадиган газеталарда шеърлари босилиб турди, қаламни қайралди. Ўз халқининг эркка, ёруғликка, эзгуликка ташналигини, курашчан қалбини жўшқин шеърий сатрларда ифода этади.

Рўзи Қодирий 1955 йилдан буён Совет Иттифоқида яшаб, ижод этмоқда 1961 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент дорилфунунини тугатди. Ўзбекистонлик дўстлари даврасида чинакам илҳом муҳитини топди. Кўплаб-кўп гўзал шеърлар, кенг манзарали ёрқин достонлар яратди. Илмий ишни давом эттириб, филология фанлари кандидати бўлди. Ушбу ҳаёт босқичларини кўрсатиб ўтишдан мақсад, шоирнинг муттасил ижодий изланиш натижасида бугунги катта ютуқларга эришганини, санъаткор сифатида шаклланишини ўқувчига яна бир бор эслатишдир.

«Тақдирин қўл билан яратур одам» деганларидек, шоир ҳам ўз таржимаи ҳолини, ўз тақдирини ўзи яратади. Мана шу тақдир ҳам ўз навбатида шоирнинг маънавий оламини, эҳтиросли фикр-ўйларини, одам ва олам ҳақидаги дунёқарашини юзага чиқаради. Р. Қодирий ижодиётида дўст уйғур халқининг қадимий тарихи, бой маданияти, орзу-интилишлари, истеъдодли фарзандлари ҳақидаги юксак бадиий манзараларда, ишонарли тасвирланади.

Мен 1950 йилларда шоирнинг «Қурбон» номли достонини ўзбек тилига таржима қилганман.

Рўзи Қодирий ёлғиз уйғур шоиригина эмас, ўзбек совет шоири ҳамдир. У Советлар Ватанини, иккинчи она юртни— Совет Ўзбекистонини чин кўнгилдан, фахру ифтихор билан тўлиб-тошиб куйлайди. Унинг шеъриятида Фарғона водийсининг ажиб лавҳалари, бўстонга айланган Қарши ва Мирзачўл кўринишлари, гўзал Тошкентимизнинг дилрабо қуёш-жамоли, байналмилал дўстлик оиласи халқларимизнинг нурли истиқболи, бунёд этишдаги жасоратли меҳнати қувонч, фарзандлик севгиси билан тараннум этилади.

Рўзи Қодирий ижоди билан атрофлича танишган киши унинг чинакам ватанпарвар, тинчлик ва дўстлик куйчиси эканлигига гувоҳ бўлади. «Мен ҳам Тошкент фарзанди», Тошкент», «Икки эл меҳри», «Унутмайман», «Бўз қиссаси», «Бонг ва тонг», «Қутлуғ днёр» каби қатор шеърлари, баллада ва достонлари фикримизни тасдиқлайди. У «Қутлуғ диёр» достонида дўстлик ва қардошлик оғушида ўз бахтини, ўрнини топган Доно, Қудрат ва Комил каби уйғур фарзандларининг ҳаёт йўлини кўрсатиб беришга интилса, «Хива гуллари» достонида хоразмлик қўли гул, чевар ўзбек қизларининг маънавий гўзаллиги, нафосати, улар яратган гиламларнинг оламшумул довруғини куйлайди. «Мангу байроқдор» номли лирик достонида эса доҳиймиз улуғ Ленин ҳақида ўз халқининг қалб сўзларини ифода этади:

Башар ичра излаб қиёсин,
Қиёсини топмадим асло.
Кўзга сурдим унинг знёсин,
Қуёшдан ҳам минг карра вало.
Барча меҳнат элн қаторн
Унга боқар уйғур элн ҳам.
Кўз ўнгида доҳий, сардорн,
Ҳар бир сўзи юракка малҳам.

Истеъдодли шоир, коммунист, куюнчак ва камтар инсон, тинмас меҳнаткаш ижодкор Рўзи Қодирий ўзбек ва рус тилларида ўнлаб шеърий китоблар яратди. У бир неча пьесалар, илмий асарлар муаллифи. Унн республикамиз меҳнат аҳли ўз шоири сифатида ардоқлайди, ўзбек ўқувчилари унинг янги шеърларини мунтазирлик билан кутадилар. Жўшқин мушоира оқшомларида унинг шеърлари ҳам янграйди. Бу шеърият кишиларни яхшиликка, садоқатга, дўстликка, биродарликка, эзгу муҳаббатга ундайди, теран фикрлар, покиза туйғулар билан қанотланган шеърият ҳамиша ҳаракатда, элу юрт хизматида.

Олтмиш ёш! Бу — салмоқли довон. Кўп ишлар қилиндн. Қилинажак ишлар янада мўл. Мана шу шарафли, ёрқин йўлда шоирга янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

ФУТБОЛ ҲАФТАСИ

Сергели районидаги футбол майдонларида қизиқарли учрашувлар ўтказилди. Ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалига бағишлаб ўтказилаётган Бутуниттифоқ футбол ҳафтаси программаси доирасида ташкил этилган мусобақалар спортнинг бу турнни янада оммалаштиришга ёрдам берди. Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг физкультура коллектив-лари алоҳида, райондаги ЖЭУ командалари алоҳида ғолибларни аниқлашди.

«Узворцветмет» корхонасининг футболчилари 12 коллектив орасида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдн. Ошхона мебеллари заводи вакиллари иккинчи, Сергели авиакорхонасининг футболчилари учинчи ўринни эгалладилар.

ЖЭУ командалари ўртасидаги беллашувларда 21 коллектив иштирок этдн. Ҳар бир ЖЭУ уч командани беллашувларга юбордн. Ҳар уч ёш тонфасидаги беллашувларда биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган 72-ЖЭУнинг коллективи умумий якунда ҳам биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдн. Шунингдек 57, 60-ЖЭУларнинг ёш футболчилари ҳам совриндорлар сафидан жой олишдн.

Ўтказилган тадбирлар ва беллашувлар футболни янада оммалаштиришга шароит яратдн. Барча беллашувларда 300 дан знёд ўсмир ва 120 дан знёд ишчи-хизматчи иштирок этганлнги бунинг далилидир. Ғолиб командалар аҳолн турар жойлари командалари ўртасида ўтказиладиган шаҳар спартакиадасида район шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

● Аҳоли турар жойларида

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Октябрь районидаги стадионларда ўтказилган футбол баҳслари якунланди. «Чарм тўп» клубининг совриии учун бўлган баҳсларда райондаги барча ЖЭК ва маҳаллаларнинг командалари иштирок этишди. Турнирнинг биринчи ва иккинчи босқичида 2000 дан знёд болалар қатнашдилар. Демак, спортнинг бу тури районда жуда оммалашган деб айтиш мумкин.

Барча учрашувларни уюшқоқлик ва ҳужумкор руҳда ўтказган 49-ЖЭКнинг командалари аввалги йилдаги сингари бу йил ҳам биринчи ўринни қўлга киритишди. Ҳар уч ёш тонфасидаги командаларга ҳам Бахтиёр Расулов тренерлик қилади. Ўзи биринчи разрядли футболчи бўлганлиги учун ёшларга спортнинг бу турн сирларини қунт билан ўргатади. Машқларни юқорн савияда ўтказилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ёш футболчилар унинг кўрсатмаларини иштиёқ билан бажаришади. Ана шу мақсад бирлиги туфайли ЖЭК командалари муваффақиятга эришдилар.

Иккинчи ўринни 6, 64, 52-ЖЭКларнинг командалари эгаллашди. Учинчи ўринга эса 29, 55 ва 89-ЖЭКларнинг командалари кўтарилдилар.

Команда ҳисобида ғолиблик учун 21 коллектив беллашди. Фақат энг кучлиларгина совриндорлар сафидан жой олишга муваффақ бўлдилар.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

21 ИЮНЬ, 1985 й.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1, 2, 3 ИЮЛЬ СОАТ 20.00 ДА
БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Ортиқ ОТАЖОНОВ, Феруза СОЛИҲОВА, Гулсара ЭҚУБОВА
Солистлар: Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Ўктам АҲМЕДОВ, Феруза МИРҲАМИДОВА, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА;
Бадиий сўз устаси:
Ҳасан ИУЛДОШЕВ
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
ПРОГРАММАНИ Тожиддин АБДУВОҲИДОВ ва Маъмура АБДУРАҲМОНОВА олиб борадилар.
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ ОТАЖОНОВ.
Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.
Музика раҳбари — Озод КАРИМОВ.
Билетлар В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи ва Свердлов номли концерт зали кассаларида ҳар куни соат 12.00 дан сотилади.

КВАРТИРА ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ ҚОМИТЕТИ УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ ШАҲАР ХЎЖАЛИГИНИНГ ҚУЗГИ-ҚИШҚИ ДАВРДА ИШЛАШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР ПЛАНИГА БИНОАН
балконлар ва лоджияларда ўзбошимчалик билан ўрнатилган
РАДИАТОРЛАР
1985 йил 1 августга қадар олиб ташланиши лозимлиги ҳақида

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ШУ НАРСАНИ УНУТМАСЛИК ЛОЗИМКИ, ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЎРНАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ИСИТИШ АСБОБЛАРИ ШАҲАР ИСИТИШ СИСТЕМАСИДА ҚАЙНОҚ СУВНИНГ БИР МАРОМДА АЙЛАНИШИНИ БУЗАДИ ВА БУТУН УЙ-ЖОЙЛАРДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИНИ КЕСКИН ЁМОНЛАШУВИГА ОЛИБ БОРАДИ.

Ўзбошимчалик билан иситиш ўқи санитария техника асбобларини ўрнатган истиқоматчилар мавжуд тартиб-қонунларга биноан ўзбошимчалик билан ўрнатилган приборларни ўз ҳисобларидан эвазига олиб ташлашлари лозим, бу талаб бажарилмаган ҳолларда олиб ташланиши лозим бўлган ишлар ҳажми баҳоси 10 сўмгача миқдорда бўлса, бу ҳақ белгиланган тартибда истиқоматчидан ундириб олинади. Приборлар олиб ташланадиган ишнинг хизмат ҳақи 10 сўмдан ошган ҳолларда, эса жарима суд органлари орқали ундириб олинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ КВАРТИРА ЭГАЛАРИНИ ОГОҲЛАНТИРИБ ҚЎЯДИКИ, УЛАР ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЎРНАТГАН ИСИТИШ РАДИАТОРЛАРИНИ ОЛИБ ТАШЛАШДАН ВОЗ КЕЧГАН ҲОЛЛАРИДА, БУ АСБОБЛАР УЙ-ЖОЙ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КУЧИ БИЛАН МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА АЙБДОРЛАРНИНГ ҲИСОБИГА ОЛИБ ТАШЛАНАДИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ 7-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1985-86 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ: **ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи; кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи; электр-слесарь, электр-газ пайвандчи; коммутация иккиламчи занжирлари бўйича электромонтажчи; лифтлар** (мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар) **монтажи бўйича слесарь-монтажчи; контроль-ўлчов асбоблари ва автоматлар ремонти бўйича слесарь; киномеханик** (фильмларни текширувчи вазифасини бажара олишга лаёқатли); **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1-2-3 ЙИЛ.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 14 ЯРИМ ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф маълумоти билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил таълим олади ва уларга тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳамда тегишли касбни эгаллаб чиққанлиги ҳақида диплом берилади. Ўқувчилар уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10-синф маълумотидаги ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикаси давридa ўқувчилар ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини тўланади.

Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини адо этиб, электр-монтажчи ихтисослари бўйича ўқишга кирган ўсмирлар учун ўқиш муддати қисқартирилган: 10-синф маълумотидагилар учун — 4 ой, 8-синф маълумотидагилар учун эса — 10,5 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, кўплаб спорт секциялари ишлаб турибди. Техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗАЛАР — СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 58, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

БОЗОРЛАР ҲАМИША НАВҚИРОН

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОЛОЙ, ОКТЯБРЬ, ГОСПИТАЛЬ, БЕШЁҒОЧ, ҚОРАСУВ, ФАРҲОД, СЕЛЬМАШ, ФРУНЗЕ, ЛУНАЧАРСКИЙ, ЮНУСОБОД, СЕРГЕЛИ, ҚОРАҚАМИШ, ТРАКТОР, БИРИНЧИ МАЙ СИНГАРИ ЎН ТЎРТТА АСОСИЙ БОЗОР ВА ЎТТИЗ ИККИТА ФИЛИАЛЛАРДА ПЕШТАХТАЛАРГА ҚЎЙИЛГАН РАНГ-БАРАНГ МЕВА ВА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ОШ КЎКЛАР МИНГЛАБ КИШИЛАРНИНГ ДИҚҚАТИНИ ЖАЛБ ЭТМОҚДА.

ШАҲАР БОЗОРЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ:

Соат 7 дан 20.00 гача — ёз фаслида,

соат 8 дан 19.00 гача —қиш фаслида.

БОЗОРЛАРДА ХАРИДОРЛАР ВА ДЕҲҚОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ЕТАРЛИ ШАРОИТЛАР МУҲАЙЯ ЭТИЛГАН.

Меҳмонхоналар ва колхозчилар уйи,

ошхоналар, кафелар, чойхоналар,

ҳар хил устахоналар,

юкларни сақлаш омборлари,

сотиб олинган молларни уйга етказиб бериш («УЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ») пунктлари.

ШАҲАРНИНГ ОЛОЙ, ОКТЯБРЬ, ГОСПИТАЛЬ, ҚОРАСУВ, ФАРҲОД КАБИ БЕШТА ЙИРИК БОЗОРИДА САВДО ХИЗМАТИ БЮРОЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Бюролар деҳқонлардан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келишилган баҳоларда (бозор ўртача нархидан пастроқ) **сотиб оладилар.**



ХАРИДОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ КЎПГИНА МАГАЗИНЛАРИ ИШЛАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРТИРИЛДИ— УЛАРНИНГ ИШ КУНИ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ.

МАГАЗИНЛАР ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ:

1— Ш. Руставели кўчаси 13-уй— соат 11 дан 21.00 гача;
6— «Скопле»— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Марказ 14 квартали, 25-уй—соат 10 дан 20.00 гача;
8— Муқимий кўчаси, 23-уй— соат 11 дан 20.00 гача;
34— «Тоҳир ва Зуҳра» — Октябрь бозори — соат 9 дан 20.00 гача;
37— «Ганга»— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Марказ 14 квартали, 1/2-уй —соат 10 дан 20.00 гача;
43— Ленин кўчаси, Марказ 5 квартали, 67-уй — соат 11 дан 20.00 гача;
53—1/2-Қорақамиш массиви, 7-уй—соат 11 дан 20.00 гача;
54— Луначарский шоссеси — соат 11 дан 20.00 гача;

1, 6, 54-МАГАЗИНЛАРДА ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДА ҲАМ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ЯКШАНБАДАН ДУШАНБАГА ЎТКАЗИЛДИ:

2 — Ш. Руставели кўчаси, 57-уй;
12— М. Горький кўчаси, 54-уй;
36— Новомосковская кўчаси, 17-уй;
39— «Партия XXIII съезди кўчаси, 22-уй;
21— Ш. Руставели кўчаси, 45-уй;
47—Новомосковская кўчаси, 18-уй;

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГА ВА УЛОҚ



ПРОГРАММАДА: анъанавий ва машҳур спортчилар номидаги мукофотлар учун мусобақа.

ОТЧОПАРДА ТУРЛИ КЎНГИЛОЧАР АТТРАКЦИОНЛАР ИШЛАВ ТУРИБДИ.

Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва РСФСР колхозлари, совхозлари ва от заводларининг энг яхши отлари қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ўйналади.

Салқин ичимликлар билан савдо қилувчи буфетлар от спорти ишқибозлари хизматида бўлади.

«БЕГА» ресторанининг эшиклари кун бўйи очиқ.

Отчопарда отда сайр қилиш учун уларни прокатга олиш пункти бутун йил бўйи ишлаб турибди.

АҲОЛИДАН ТЎЙ ТАНТАНАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РУС ТРОЙКАЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Отчопарга кириш бепул.

АДРЕС: Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти («Собир Раҳимов» метро станцияси 153, 172, 173, 178, 180-автобусларнинг «Ипподром» бекати). Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
42-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-86 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: универсал токарь (карусельчи-токарь, программали бошқариладиган станоклар оператори), **саноат ускуналари бўйича ремонтчи-слесарь, электр пайвандловчи, механика йиғувчи-слесари, фрезерчи, электр монтажчи, қолипловчи, асбобсоз-слесарь, штамповкачи.**

БАРЧА ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битирган ва аттестатнинг ўртача балли 4-5 дан иборат бўлган шахслар олий ўқув юртига киришда имтиёзларга эга бўладилар.

Ўқувчилар ойига 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси давридa иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

10-синф ҳажмида маълумотли 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Аризага қуйидагилар қўшиб тақдим этилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисидаги справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳоли.

Билим юртига бошқа шаҳарлардан келганлар билим юрти ётоқхонасида пропискадан ўтиш учун ўз турар жойларидан пропискадан ўчишлари, шунингдек комсомол ташкилоти ҳисобидан ўчирилиши ҳамда комсомол ҳужжатларини (шахсий ҳисоб карточкаси, ВЛКСМ аъзосининг ҳисоб карточкаси, комсомол билети) бирга олиб келишлари лозим.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 60, 72, 112; 115-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —21/VI да **Севги тумори**, 22/VI да **Тоҳир ва Зуҳра**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —**2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа** (19.30).

кино

21 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45, кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Чайка** (18.30, 21.00: телефон 33-05-01); **Нукус** 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Ватан** (18.30, 21.00); **Москва** (18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«ТАЛВАСА» (2 серия) — **Искра** (18, 21.00; телефон 39-14-59), **ВЛКСМ 30 йиллиги** 18.15, 20.30; телефон 33-44-52).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00).

«ГАРОВДАГИ КИШИ» — **Ғафур Ғулом номли** (17, 20.00).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» (2 серия)— **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» (2 серия) — **Хива** (22.00).

«ТЎТСИ» —**Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-02).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА» —**С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида) — **М. Шайхзода номли** (17, 19.20, 20.45; телефон 42-39-71). **Ҳамза номли** (12.30, 14, 17.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«БЎРГУНД ҚАЛЪАСИНИНГ СИРИ»—**Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» — (ўзбек тилида)— **Янгиобод** (17, 20.00).

«МАҲЛУҚ» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» (2 серия)— **Қозоғистон** (17, 18.20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Мир** (тоқ соатларда).

22, 23 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» —**Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 33-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«ТАЛВАСА» (2 серия) — **Искра** (12, 15, 18, 21.00; телефон 39-14-59), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.15, 16, 18.15, 20.30; телефон 33-44-52).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00).

«ГАРОВДАГИ КИШИ» — **Ғафур Ғулом номли** (17, 20.00).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» (2 серия) — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» (2 серия) — **Хива** (22.00).

«ТЎТСИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-02).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА»— **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида) — **М. Шайхзода номли** (11, 13, 15, 17, 19.20, 20.45; телефон 42-39-71), **Ҳамза номли** (12.30, 14, 17.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«БЎРГУНД ҚАЛЪАСИНИНГ СИРИ»—**Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН»— **Янгиобод** (11, 14, 17, 20.00).

«МАҲЛУҚ» — **Фестиваль** (20.00, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» (2 серия) — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 21.00); телефон 35-24-92).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Мир** (тоқ соатларда).

Тошкент политехника институтининг нефть ва газ факультети деканати, партия ва маҳаллий комитети ўқитувчи М. Мусаевга отаси
Набижон МУСАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

ЖУМА

21 ИЮНЬ

● МТ I

17.30 «Александр Твардовский». Телефильм.
18.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.00 «Нега филлар?» Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.20 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «М. И. Глинка. Романслар». Фильм-концерт премьераси.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

21 ИЮНЬ, 1985 й.

23.15 «Ереван қалдирғочи». «Қалдирғоч» халқаро туристик лагери ҳақида телефильм.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Саёҳатчилар клуби».
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Ишчига ўроқ нимага керак». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Карагод» фольклор ансамблининг чиқиши.
21.00 «Бемаврид», Алкоголизмнинг зарари ҳақида телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Чопқир отнинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
23.35 «Псел дарёсидаги шаҳар». Телефильм.

● ЎзТВ I

13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Салом, фестиваль!»
19.00 Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига. «Мусобақа — оммa ижоди».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Дунё воқеалари».
20.15 «Фан-техника тараққиёти-85».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Алимахсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 «Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 4-серия — «Сўнгги марра».
23.30 Янгияниклар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун. «Уйлаб топ» (рус.).
18.45 «Абитуриент-85». Физика.
19.15 Рўзи Қодирий. «Қалбим сизники». Адабий кўрсатув.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 Телевизион театр. М. Байжиев. «Юзма-юз».

Шанба

22 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
10.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.20 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми О. Верейский.
11.50 «Позиция». Телефильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
12.30 «Дўстларимиз чеҳраси».
13.15 «Ёдингдами, ўртоқ...»
14.15 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.45 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Кхмер классик ва халқ рақслари» (Камбоджа).
15.15 «Дунё воқеалари».
15.30 Болалар учун фильм. «Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб саргузаштлари». 1-серия — «Безорн», 2-серия — «Рицарь».
17.45 Марказий телевидениенинг снёсий шарҳловчиси Л. А. Вознесенский суҳбати.
18.15 «Ҳайвонот оламида».
19.15 Ю. А. Жуков суҳбати.
19.45 СССР халқ артисти М. Мордасова куйлайди.
20.30 «Бу Ғалаба кунида». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «1985 йил қушиқлари».
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо» (Москва). 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
23.45 Баянчилар А. Мишченко ва И. Снедков дуэти чалади.
00.10 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядка сафланинг!»
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Рейхстаггача неча чақирим?» Ҳужжатли фильм премьераси.
10.00 «Сиз яратган бог».
10.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.00 УКРАИНА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.30 «Олам кинокамера кўзгусида».
13.30 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
14.00 «Инсон — замин соҳиби».
Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко олиб боради.
15.00 «Театр ва замон».
16.10 «Стадион ҳамма учун».
16.40 «Ғалаба қўшиғи».
18.30 «Санъат усталари». РСФСР халқ артисти Ю. Соломин.
19.45 «Здоровье».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро обзор».
21.00 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Бокудан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Менинг меҳрибон дадам». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ғалаба паради». Ҳужжатли фильм.
11.15 «Шахмат мактаби».
11.45 «Ҳужжатли кино экрани». «Россия — фахрим менинг».
12.30 «Золушка». Бадиий фильм.
13.50 Й. Охунбобоев туғилган кунининг 100 йиллигига. «Ўз халқининг фарзанди».
14.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Зарница-85» (рус.).
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Оҳ, сингилгинам». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Мева-сабзавот конвейери суръати» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бепоён Россия бўйлаб». Киноprogramma.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона, аҳил оилада». РСФСР. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг «Меҳнат Қизил Байроқ» орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р— 05898. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.